АДАБИЁТИ МИЛЛИЙ ЯРИМ АСРИ

...туфайли бу милл...
...республикасига, ўз маданият...
...туцион ҳуқуқларига эга бўлди, уларни...
Давлат тилига айланди. Шундай экан, мағр...
...екшунослар»нинг нолишида уларнинг асл ни...
...очиқ кўриниб турибди.
...дчилик халқимиз тарихи ва маданиятини со...
...рувчи ана шундай ғаразли қарашларга кес...
...риши, ўзбек адабиётининг юксалишидаги р...
...ш халқлар адабиётининг таъсири масалалари...
..., адабиётдаги миллийлик ва интернационал...
...арини тадқиқ этиши керак. Умуман совет а...
...г, хусусан ўзбек адабиётининг ривожлан...
...арини, социалистик миллатлар маданиятла...
...-бирини бойитиши ва ўзаро яқинлашув...
...ражада чуқур таҳлил қилиш, адабиётимизни...
...масалаларини кўтариш ва унинг янги юксал...
...н белгилашга сўзсиз ёрдам беради.
...й-бадиий танқидчиликни ривожлантиришни...
...илларидан бири ўзбек адабиётшунослари...
...ларининг махсус адабий-танқидий ва назар...
...и нашр этишдир. Бундай журнал Ўзбекис...
...лар академияси А. С. Пушкин номидаги Т...
...ёт институтининг ҳамда республика ёзувчил...
...қўшма органи бўлиши лозим. Мазкур орг...
Ўзбек тили ва адабиёти» номли илмий-назар...
...асасида ташкил этилиши мумкин.
...ларда ўзбек халқи Ўзбекистон Совет Соц...
...спубликалар Иттифоқи ва Ўзбекистон Комм...
...тияси ташкил этилган кунининг шонли 50 йи...
...станали равишда нишонламоқда. Бу мубор...
...бек танқидчилари ва адабиётшунослари ҳ...
...ижодий ютуқлар билан кутиб олдилар. КП...
Комитетининг «Адабий-бадиий танқидчил...
...қароридан илҳомланган ва шу қарор асо...
...нинг ижодий ва илмий режаларини қайт...
...ан танқидчилар ва адабиётшунослар ўзб...
...иётининг 50 йил ичида босиб ўтган адаби...
...ини чуқур идрок этиб, бу йўлнинг хосил...
...оқларини жиддий тадқиқ қилмоқдалар; ад...
...г ривожланиш омиллари ва жараёнлари...
...инча методология асосида муваффақият б...
...далар.

РАҲМАТУЛЛА ИНОҒОМОВ

АДАБИЁТИМИЗНИНГ ҚАРДОШЛИК АЛОҚАЛАРИ

Пролетариатнинг буюк доҳийси Карл Маркс «инсоният кўрки» деб таърифлаган халқлар дўстлиги, қардошлик ёрдами ва алоқалари Ватанимиз равнақи, истиқболи, енгилмас куч-қудратининг асосий манбаи, муҳим шартидир. Халқлар дўстлиги улар ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш моддий ва маънавий бойликларни айирбошлашга бўлган талаб ва эҳтиёжни янада кучайтиради. Маънавий ҳамкорлик алоқалари эса бу халқлар ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлайди, адабиёт ва санъатнинг янги парвозларига йўл очади.

Ўзбек адабиётининг алоқалари мамлакатимиз доирасидан ташқари чиқиб, қардош социалистик мамлакатлар адабиётлари, шунингдек, чет эллардаги қатор илғор адабиётларни ҳам қамраб олади.

Бу фикрни қардош республикалар чет эл ёзувчиларининг асарлари ўзбек тилида миллионлаб нусхаларда босилаётганлиги, ўзбекистонлик шоир ва адибларимиз асарлари Иттифоқимизнинг турли бурчакларида, кўпгина чет мамлакатларда машҳур эканлиги билан исботлаш мумкин. Шунингдек, кейинги 10 йилдан ортиқроқ вақт ичида республикамизда рус, украин, белорус, қозоқ, озарбайжон, арман, туркман, тожик, эстон, қирғиз, қорақалпоқ адабиёти ва санъати декадалари бўлиб ўтганлиги, ўзбек адабиёти ва санъатининг ҳафталик ва ўн кунликлари эса РСФСР, Украина, Белоруссия, Қозоғистон, Озарбайжон, Арманистон, Туркманистон, Тожикистон, Эстония, Қирғизистон қардош республикаларида, Мўғулистон, Болгария, Венгрия сингари социалистик мамлакатлар ҳамда Ҳиндистонда муваффақият билан ўтганлиги бунга ёрқин далилдир.

Адабиётларнинг ўзаро алоқалари турли шакл ва воситалар орқали ривожланмоқда.

Ўзбек адабиёти бошқа адабиётлар билан ўзаро таъ-

сирга киришмаган, уларнинг ютуқларидан баҳраманд бўлмаган тақдирда, шубҳасиз, у ўзининг ҳозирги тараққиёт даражасига кўтарилмаган бўларди.

Низомий, Фирдавсий, Рудакий, Ҳофиз, Жомий, Бедил, Фузулий, Махтумқули, Пушкин, Абай, Горький, Маяковский сингари ўнлаб буюк шоирлар ўзбек классик ва совет ёзувчиларининг ижодий камолотига самарали таъсир кўрсатди, маҳорат мактаби ролини ўйнади. Ўз навбатида Навоий, Лутфий, Бобир, Машраб, Огаҳий, Фурқат сингари классикларимиз, Ҳамза, Айний, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Яшин, Абдулла Қаҳҳор сингари машҳур адибларимиз қардош адабиётларнинг кўпгина вакиллари ижодига кучли таъсир кўрсатганлар. Масалан, биргина Абдулла Қодирий ижодидан қардош халқларнинг М. Авезов, Б. Кербобоев, Х. Деряев, Т. Сидиқбеков, Ч. Айтматов, Ж. Икромий, С. Муқонов, Б. Сейтоқов сингари қатор улкан адиблари баҳраманд бўлганлар.

Ўзбек адабиётининг бошқа халқлар билан алоқаларида, шубҳасиз, рус-ўзбек адабий алоқалари кенг ўрин тутади. Илғор анъаналарга бой бўлган рус адабиёти бошқа миллий адабиётлар қатори ўзбек адабиётига ҳам самарали таъсир кўрсатган.

Фурқат, Абдулла Қодирий, Айний, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Мақсуд Шайхзода, Асқад Мухтор, ҳозирги ўзбек шоирлари, адиблари, драматургларининг барчаси рус адабиётининг сўнмас булоғидан баҳраманд бўлганлар. Д. Фурманов, А. Толстой, Б. Лавренев, К. Симонов, С. Бородин, В. Овечкин сингари рус адибларининг Ўзбекистонда узоқ вақт яшаб ижод этишлари, П. Павленко, Л. Леонов, В. Иванов, Н. Тихонов, А. Сурков каби атоқли рус адибларининг ўзбек халқи ва Ўзбекистон тўғрисидаги асарлари рус-ўзбек адабий алоқалари тарихида ўчмас из қолдирди. Бу икки адабиётнинг ўзаро алоқалари, бир-бирини бойитиши адабиётшунослигимизда бирмунча кенг ўрганилган, қатор илмий-тадқиқот асарлари, кўплаб мақолалар ёзилган. Шу боисдан биз ўзбек адабиётининг қардош халқлар адабиётлари билан ўзаро алоқалари, бунинг самараси хусусида маълум тасаввур қолдириш мақсадида арман, белорус, қозоқ адабиётлари билан ўзбек адабиёти ҳамкорлигининг баъзи нуқталари устида фикр юритамиз, холос.

* * *

Ўзбек адабиётининг қуёши Алишер Навоий бундан беш юз йил муқаддам Арманистон гўзаллигини:

Эрур ғарбида ул маҳваш макони,
Ки ҳоло Армания дерлар они.
Еридур нузҳат ичра жаннат осо,
Анинг ёнида тоғи чарх фарсо.
Эрур бу нав ул маҳваш хаёли,
Ки ул манзилда солғой қаср олий,—

деб таърифлаган эди.

Генинал шоир оромбахш Арманистон ва унинг халқини ўтли мисраларда муҳаббат билан мадҳ этган. Бугина эмас, шоир ўзининг энг яхши асарларидан бири «Фарҳод ва Ширин» достонида гўзаллик ва донолик, севги ва вафо рамзи сифатида арман қизи Ширинни танлайди ва муҳаббат билан тасвирлайди.

Улуғ санъаткор арман халқига хос бўлган энг яхши фазилатлар — одамийлик, софдиллик, ҳалоллик, садоқат, беғубор гўзаллик, оқ кўнгиллик, бошқа халқларга ҳурмат ва меҳнатсеварлик каби хислатларни Ширин образида мужассамлаштириб кўрсатади. Навоий мард ўзбек йигити Фарҳоднинг гўзал арман қизи Ширинга бўлган ҳақиқий, соф, юксак инсоний муҳаббатини катта шоирлик кучи, мисли сиз зўр маҳорат билан тараннум этади. Навоий ўзининг энг севимли қаҳрамонларидан бири учун арман қизини танлаганлиги ҳамда икки халқ ўртасидаги дўстликни акс эттирганлиги бу халқлар ўртасида улуғ шоирдан илгари ҳам қандайдир дўстлик алоқалари, жумладан, маълум даражада адабий алоқалар мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

Ўзбек китобхонлари арман халқининг 9—10-асрларда араблар зулмига қарши олиб борган қаҳрамонона курашининг бадиий ифодаси бўлган «Сосунли Довуд» машҳур қаҳрамонлик эпопеясини ўзларининг «Гўр ўғли» достонларидек қадрлайдилар ва севиб ўқийдилар.

Совет ҳукуматининг қарорига мувофиқ 1939 йилда ўтказилган «Сосунли Довуд» халқ эпосининг 1000 йиллиги мамлакатимизда адабиёт байрамига айланиб кетди. Ўзбекистон меҳнаткашлари қардош арман халқи адабиётининг дурдонаси нишонланаётган ўша йили Ойбек

таржимасида нашр этилган «Сосунли Довуд» китоби-
нинг айрим бобларини ўқишга мушарраф бўлдилар.

Ўзбек китобхонлари йирик арман ёзувчиси Наира Зарянинг Арманистонда колхоз тузилишининг кенг картинасини чизган «Ацаван» романини ўз она тилларида ўқишга муяссар бўлдилар. Мазкур асар темани яқинлиги, даврнинг кучли зиддиятлари рўйирост тасвирланиши, ўша давр ҳаёти ёркин ва ҳаққоний акс эттирилиб берилиши жиҳатидан Абдулла Қаҳҳорнинг «Қўшчинор» романига жуда ҳамоҳангдир.

Арман совет поэзиясининг отахони, ажойиб шоир Аветик Исаакян асарларининг ўзбек тилига таржима қилиниши шеърхонларни ғоят қувонтирди. «Поэма ва шеърлар» номи билан чиққан китобча шоирнинг деярли етмиш йил яшнаб турган ижод боғидан терилган нафис ва хушбўй гулдастага ўхшайди.

«Ҳозирги асрнинг энг йирик шоирларидан бири» (Луи Арагон) Аветик Исаакян классик ва ҳозирги замон арман адабиётларини бир-бирига боғловчи улкан кўприк бўлиб, унинг адабий мероси фақатгина совет поэзияси хазинасигагина эмас, балки дунё поэзиясининг хазинасига қўшилган жуда катта ҳиссадир. Арман шоирларининг энг яхши шеърларидан намуна сифатида биринчи марта ўзбек китобхонларига совға қилинган «Арман шоирлари» тўпламини ўқиган ҳар бир шеърият мухлиси қардош халқнинг шоирларига таҳсин ўқийди.

* * *

Ўзбек ва қозоқ халқлари ўртасида дўстона алоқаларнинг қадим замонлардаёқ бошланиши ва кейинги асрларда тез ривожланишида бу икки халқнинг тарихий қисмати, яшаш шароити, урф-одатлари, тили кўп жиҳатдан бир-бирига яқин ва муштарак бўлганлиги катта роль ўйнаган.

Қозоқ оқинлари Навоий асарлари, айниқса унинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» достонларидан илҳомланиб, соф севги ва одамийликни тараннум этувчи ажойиб ўланлар тўқиганлар. Қозоқ оқинлари ва шоирлари Навоийни ўз устозлари деб билганлар.

Қардошларимиз адабиётининг асосчиси, маърифатпарвар шоир Абай шеърлари Навоий газалларига ҳам

ҳангдир. Абай ўзининг кўпгина рубоийлари, «Азим», «Искандар» сингари достонларида Навоий илгари сурган ғояларни ривожлантирган, шунингдек, ўз навбатида кўпгина ўзбек шоирлари ижодига маълум даражада таъсир кўрсатди. Абай ўланлари ўзбек халқи ўртасида анчадан анча илгарироқ маълум бўлган.

Социалистик тузум даврида қозоқ ва ўзбек халқлари ўртасидаги маданий алоқалар янада ривожланди, янги мазмун касб этди.

Қозоқ ва ўзбек совет адабиётларининг асосчилари Сакен Сайфуллин ва Ҳамза дўстлиги ҳар иккала халқ адабий алоқаларида муҳим ўрин тутади. Социалистик жамият, Коммунистик партия ва халққа садоқат, янги маданиятни барпо этиш йўлидаги фидокорлик, улкан жамоат арбоби ва шоир, оташин революционер ва кўп қиррали талант соҳиби бўлганликлари уларни бир-бирларига жуда яқинлаштирди.

Ойбек ва Мухтор Авезов, Ғафур Ғулом ва Собит Муқановларнинг дўстлиги ҳар иккала адабиёт ўртасидаги алоқаларни кенг қулоч ёйдиришда муҳим ўрин тутади. Бу ёзувчилар ижоди ғоявий-тематик жиҳатдан бир-бирлари билан жуда ҳамоҳангдир.

Халқларимиз ўртасидаги дўстлик бадиий адабиётда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Ленин мукофоти лауреати Ғафур Ғулом Қозоғистон республикасининг 25 йиллигига бағишланган «Қозоқ элининг тўйи» номли машҳур шеърида ўзбек ва қозоқ халқлари дўстлигини фахрланиб куйлаган, қардошларимизни халқимиз номидан шарафлаган эди. Бундан чорак аср илгари яратилган машҳур шеър худди кечагина ёзилгандек туюлади кишига.

Бир томирмиз, бир чорвамиз,
Бир қозонмиз, бир олов,
Ўртамизда неъмат тўла,
Дастурхондай кенг яйлов.
Ўзбек эли: ўз оғам,— деб,
Ўтрик сўзламас қозоқ,
Жекам десам, жонга туташ,
Иним десам яқинроқ.

Ойбек, Ғафур Ғулом, Миртемир, Уйғун, Зулфия шеърларида ўзбек халқининг ўз биродарларига меҳри муҳрланган бўлса, Ҳамид Ёрғалиев, Тоир Жароқов,

Жубан Мўлдағалиев, Ғали Ўрмонов, Сирбой Мавленов, Абдулла Тожибоев асарларида қардошларимизнинг Ўзбекистон ҳақидаги илиқ сўзлари ифодаланган.

Талантли ўзбек шоири Миртемир шеъриятида қардош қозоқ халқи, унинг сахий қалби, мафтункор табиатини куйловчи талайгина асарлар бор. Унинг «Қозоғим» шеърида ўзбек халқининг қардошларига ҳурмати ва муҳаббати, дўстлик меҳри, биродарлик туйғуси яхши тараннум этилган.

Улкан адибимиз Ойбек қозоқ юртининг чинакам ошиғи эди. У жуда ёшлигидаёқ қозоқ халқининг ҳаёти билан яхши таниш бўлган. «Болалигимда қозоқ даласини жуда кўп ораладим, халқининг урф-одатларини, турмушини кўрдим, меҳмондўст қозоқ элини чин қалбимдан севдим», деб ёзган эди кейинчалик у. Атоқли санъаткорнинг «Бахтигул ва Соғиндиқ» достонида, «Болалик» повестида ўзбек халқи билан биргаликда қозоқ халқининг ҳаёти ҳам акс этган. Ойбекнинг чуқур лиризм билан сугорилган, ҳаёт манзаралари ҳаққоний акс эттирилган бу асарлари қозоқ китобхонларининг ҳам қалбини тўлқинлантириб, ҳаяжонга солмоқда.

Узбекистон халқ шоираси Зулфия ижодида Қозоғистон мавзуидаги шеърлар алоҳида туркумни ташкил этади. Шоира «Қозоғистон ўланлари», «Кўкчатов», «Ўтпар жигали», «Булут ўйини», «Балхаш оқшоми», «Қарамоқ» каби шеърларида Қозоғистоннинг ажойиб табиат манзараларини зўр маҳорат билан куйлайди. Бу шеърларида Зулфия Қозоғистон табиатидан кўзи қамашган халқининг сахий қалби, меҳнаткашлиги қойил қолдиргани-ни эҳтирос билан тараннум этади.

* * *

Узбекистон ва Белоруссияни минглаб километр масофа, бепоён дала ва денгизлар, тоғлар ва дарёлар бир-биридан ажратиб турса-да, бу халқлар тарихида ҳам-иккаласи учун муштарак томонлар анчагина.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллардаёқ республикамизда чиқадиган газета ва журналларда турли муносабатлар билан белорус адибларининг ижодига мансуб айрим шеър ва ҳикоялар кўрина бошлайди. Бу дастлабки пайтларда тасодифий характерга эга бўлса-да, ада-

Ҳўш, совет миллий адабиётларида социалистик реализм вужудга келишининг қандай ғоявий-эстетик асослари бор, унинг шаклланиш процесси қандай факторларга таянади?

Совет миллий адабиётларида социалистик реализм хетодининг шаклланишига уч омил сабаб бўлди: аввало, социалистик воқеликнинг ўзи; иккинчидан, рус классик реализми, рус совет адабиётининг таъсири ва ниҳоят, миллий-адабий традиция. Бу уч фактор социалистик реализмнинг вужудга келишида барча миллий адабиётларимиз учун ҳам умумий асос бўлиб хизмат қилади.

Миллий адабиётларда социалистик реализм вужудга келишининг муҳим омили — социалистик воқеликнинг ўзидир. Рус пролетар адабиётининг асосчиси Алексей Максимович Горький «Ёшлар билан суҳбат» номли мақоласида бу ҳақда шундай деб ёзган эди: «Адабиётда социалистик реализм меҳнат практикасигина бериши мумкин бўлган социалистик йўсиндаги фактларнинг акси сифатида вужудга келиши мумкин»[1].

Ана шу «социалистик йўсиндаги фактлар» турли халқларнинг ҳаёти ва тақдирига турли вақтда кириб келди. Масалан, рус воқелигида социалистик йўсиндаги фактлар ишчилар ҳаракатининг раҳбари ва «ақл-идроки» — ленинча партия вужудга келиши билан, илмий коммунизм таълимоти меҳнаткаш омма онгига синга бошлагач туғилади. Ишчилар синфининг ўз идеологияси туғилади, унинг ўз санъат ва адабиёти яратила бошлайди. Бу санъат ва адабиётнинг назарий асосларини В. И. Ленин ўзининг қатор асарларида кўрсатиб беради. Мана шу факторлар асосида рус адабиётида социалистик реализм метод сифатида шакллана ва ривожлана бошлайди, Максим Горький, А. Серафимович ва бошқаларининг асарлари бу процесснинг яққол далилидир.

Узбекистонда эса бутунлай бошқача ҳолни кўрамиз. Узбекистон воқелигида социализм ғоялари рус ишчилар ҳаракатининг таъсири остида анча кейин пайдо бўлади. XX аср бошларида Урта Осиёда капитализм эндигина ривожлана бошлаган, маҳаллий ишчилар сони ҳали кам эди. 1905—1907 йил рус революцияси Урта

[1] *А. М. Горький.* Собр. сочинений, том 27, стр. 218.

Осиё халқлари синфий ва революцион онгининг уйғонишига катта таъсир кўрсатди. Ўзбекистонда озодлик ҳаракатининг ўзига хос томони шундан иборатки, бу ерда ишчилар ҳаракати билан миллий озодлик ҳаракати қўшилиб кетган эди. Лекин шуни қайд қилиш лозимки, ўзбек меҳнаткашлари орасида илмий социализм ғоялари революциядан аввал Россияда бўлгани каби кенг тарқалгани йўқ, «социалистик йўсиндаги фактлар» Ўзбекистон воқелигида ҳали оз эди.

Фақат Октябрь социалистик революциясигина Ўзбекистонда социалистик реализм адабиёти вужудга келиши учун асос яратиб берди. Октябрь социалистик революцияси қардош совет халқларининг ҳаммаси учун ҳам умумий бўлган социалистик мазмун яратди: қардош миллий адабиётларда мана шу янги ҳаётий мазмун асосида реализм социалистик реализм сифатида ривожлана бошлади.

Миллий адабиётларда социалистик реализм методининг вужудга келишида миллий адабий традиция катта аҳамиятга эга. Миллий традиция совет халқлари адабиётларининг космик парвози учун старт майдони ролини ўтади.

Урта Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши натижасида мамлакат ижтимоий, маданий ҳаётининг барча соҳаларида тубдан ўзгаришлар юз берди. Аввало, Урта Осиёга капитализм кириб келиши процессида маҳаллий буржуазия туғила бошлади. Меҳнаткаш халқ энди икки томонлама зулмга: маҳаллий бойлар ҳамда рус буржуазияси ва чиновниклари томонидан эксплуатацияга дуч келди. Натижада халқнинг ўз эрки учун кураши ниҳоят даражада кучайди. Меҳнаткаш оммасининг феодал эксплуатацияга қарши олиб бораётган асрий кураши миллий-озодлик ҳаракати билан қўшилиб кетди.

XX аср бошларига келиб эса Урта Осиёда социализм ғоялари тарқала бошлади. Ишчилар ҳаракати юзага кела бошлади. 1905 йил революцияси халқ оммаси революцион кайфиятининг кескин кўтарилишига сабаб бўлди. Меҳнаткаш омма ижтимоий онгининг юксалишида рус маданияти ва фанининг, рус ижтимоий фикрининг таъсири катта эди.

Натижада, ўзбек адабиёти реалистик адабиёт сифатида ривожлана бошлади, характер эътибори билан

эса, у чуқур демократик ва маърифатпарварлик адабиётига айланди. Шундай қилиб, Октябрдан олдинги ўзбек реалистик адабиёти халқ ҳаётида рўй берган ижтимоий-иқтисодий, маданий ўзгаришлар, ўзбек прогрессив адабиёти гуманистик традициялари ва рус реалистик адабиёти ҳамда маданиятининг улкан таъсири остида ривожлана бошлади.

XIX аср охири, XX аср боши ўзбек адабиёти «ҳаётга, воқеликка жуда яқинлиги, ижтимоий тараққиётнинг муҳим масалаларига қизиқишнинг ошганлиги, ижтимоий масалаларни гуманистик, демократик нуқтаи назардан ечиш, воқеликни танқид қилишнинг кучайиши, ёзувчиларнинг халқ ҳаётини акс эттиришга интилиши, адабиётда, «оддий халқ» қаҳрамонининг пайдо бўлиши, воқеликни акс эттириш шакллари соҳасида илғор жаҳон адабиётлари тажрибасини ўрганишга интилиш» (И. Султонов), адабиёт ижтимоий таъсирининг ошиши, тилининг соддалиги каби белгилар билан характерланади.

И. Султонов ўзбек адабиётида социалистик реализм шаклланиши масалаларига бағишланган ишида, революциядан олдинги ўзбек реалистик адабиёти, унда акс этган инсон характерлари ва ҳаёт деталларининг типиклиги билан ажралиб туришини, лекин бу адабиётда реализмнинг учинчи муҳим белгиси — типик шароит етарлича тўла ва тўғри акс этмаганини кўрсатиб ўтади.

Ҳақиқатан ҳам ўзбек демократик адабиётининг энг яхши вакиллари Муқимий, Фурқат, Завқийлар ижодида ўша замон учун типик бўлган характерларнинг бутун бир галереяси яратилди, уларнинг турмуши, психикасига оид типик деталлар ажойиб акс эттирилди. Бу ўринда Муқимийнинг машҳур сатираларини («Таноблар», «Масковчи бой таърифида», «Ҳапалак қишлоғи тўғрисида», «Воқеан Виктор бой», «Тўй» ва бошқалар), Завқийнинг «Аҳли раста», «Афандилар»ини эслаш кифоядир. Айниқса, Муқимийнинг «Саёҳатнома»си ўзбек реалистик адабиётининг ажойиб намунасидир. Шоир бу асарида ўзбек меҳнаткаш оммасининг оғир аҳволининг реалистик тасвирини беради. У ўша давр типик шароитини ҳаққоний тасвирлашга ҳаракат қилди.

Муқимий реализмининг ўзига хос томони шундаки, у Ўзбекистон ҳаётида пайдо бўлаётган капиталистик

муносабатларни ва бу муносабатлар натижасида туғилаётган баъзи ҳодисаларни кўра олди, ҳамда уларни меҳнаткаш халқ манфаатлари нуқтаи назаридан туриб акс эттирди.

XIX аср охири, XX аср боши ўзбек адабиётидаги реализмнинг ўзига хос яна бир белгиси бу — адабиётнинг рус халқига, рус маданиятига муносабатида кўринади. Бу давр ўзбек адабиёти рус халқи билан дўстлашувнинг, рус маданияти ва адабиётининг оташин тарғиботчиси сифатида майдонга чиқди. Бу ерда фақат шу муносабат билан юзага келган маърифатпарварлик ҳаракати ўзбек реалистик адабиётининг етакчи тенденцияларидан эканлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз.

1916 йил воқеалари муносабати билан миллий озодлик ҳаракатида катта ўзгариш юз берди. Миллий озодлик ҳаракати бу даврга келиб ҳар қандай зулмни тагтомири билан суғуриб ташлаш, подшо ҳокимиятини ағдариш учун кураш тусини олди. Ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги ўзгаришлар халқ инқилобий онгининг ўсишини жадаллаштирди.

Демократик адабиёт халқ томонида эди. Муқимий, Фурқатлар реалистик анъаналарининг давомчиси сифатида Завқий, кейинчалик Ҳамза, Садриддин Айнийлар чиқишди. Бу давр адабиётида инқилобий руҳ ошди. Айниқса хоразмлик Аваз ижоди бунинг яққол далилидир. Аваз халқ золимларига, хонлик тузумига кескин қарши чиқди.

Октябрь олди ўзбек адабиёти келгуси буюк ўзгаришлар руҳи билан яшади. Осмонда буюк момақалдироқ ҳиди анқиб турарди, мана шуни баъзилар интуитив равишда, баъзилар онгли суратда — ҳар ҳолда акс эттирди (Завқий: «Ажаб эрмас» шеърида, Аваз: «Бор умидим — тезда бўлгуси ҳуррият куни!»)

XIX аср охири, XX аср боши ўзбек адабиётидаги реализмнинг характерли белгиларидан бири форма ва жанрлар тараққиётидир. Тўғри, бу даврда ҳам ўзбек адабиётининг етакчи тури поэзия эди. Лекин поэзиянинг ўзи ҳам аввалги даврларга қарағанда ҳар томонлама ўсди, жанр диапазони кенгайди, гражданлик руҳи ошди, реал воқелик билан, халқ ҳаёти билан янада яқинлашди.

Вундан ташқари ўзбек адабиётида драма ва реалистик проза шакллана бошлади, Ҳамза драмалари

юзага келди. Революциядан аввалги Ҳамза драмаларининг характерли хусусияти шундаки, уларнинг пафоси ниҳоят даражада жўшқин, улар меҳнаткаш халқ орзу-ўйлари, интилишлари билан ҳамоҳанг. Ҳамзанинг революциядан аввалги драматургияси ўзбек танқидий реализм адабиётининг энг яхши намуналаридандир.

XX асрнинг ўнинчи йилларида ўзбек адабиётида биринчи марта роман яратишга ҳаракат бошланди. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Янги саодат» ва «Тўрт ишқ» асарлари мана шу ҳаракатнинг натижаси ўлароқ юзага келди.

«Янги саодат»ни муаллифнинг ўзи «Миллий роман» деб номлайди, лекин бу асарни роман деб аташ қийин, уни новелла дейиш тўғрироқ бўларди.

Ниҳоят, яна шу нарсани қайд қилиб ўтиш лозимки, ўзбек адабиётида 1917 йилга келиб, Ҳамза ва Аваз Ўтар ўғли тимсолида революцион поэзия вужудга келдики, Ҳамзанинг «Шундоқ қолурму?», Авазнинг «Халқ», «Сипоҳийларга», «Ҳуррият» шеърлари, «Николай — қон жаллоб», «Минг лаънат» каби халқ қўшиқлари мана шундай поэзиянинг ёрқин мисолларидир.

Лекин шуни эсдан чиқармаслик керакки, ўзбек адабиётида реализм танқидий реализм сифатида ниҳоясига етгани йўқ эди; ўзбек адабиётида реализм Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси ва социализм учун кураш бошланиши натижасида социалистик реализм сифатида шакллана ва ривожлана бошлади.

Ўзбек совет адабиётига демократик адабиётдан бадиий ижодининг аниқ ғоявий йўналишга эга бўлиш, адабиётнинг халқ ҳаёти ва халқ манфаатлари билан ниҳоят даражада яқинлиги, юксак гуманизм ва демократизм анъаналари мерос бўлиб қолди. Улуғ Октябрь социалистик революцияси Ўзбекистонда социалистик реализм адабиётининг шаклланишига ва ривож топишига тарихий асос бўлди. Марксизм-ленинизм ўзбек совет адабиётининг ғоявий асосини ташкил этди.

Ўзбек адабиётида социалистик реализм шаклланишининг ўзига хос характерли хусусиятлари нимада?

Аввало, ўзбек адабиётида реалистик методнинг социалистик реализм сифатида шаклланиши, адабиётшунос Озод Шарафутдинов кўрсатиб ўтганидек, ниҳоят даражада тез амалга ошди. Бошқа адабиётларда реалистик методнинг вужудга келиши учун юз йил атро-

фида вақт кетгани ҳолда, ўзбек адабиёти реализм чўққиларини эгаллаши 40—50 йил ичида содир бўлди.

Ўзбек адабиётида социалистик реализм шаклланишининг характерли белгиларидан яна бири шундаки, ўзбек совет адабиёти учун социалистик реализм принципларини тасдиқлаш жараёнида, рус адабиётида бўлганидек, турли хил формалистик оқимларга қарши курашишга тўғри келмади. Ўзбек совет адабиётининг туғилиши ва ривож топиши идеология соҳасида буржуа миллатчилиги ва миллатчилик адабиётига қарши кураш билан боғланди. Бу кураш ёш ўзбек адабиётига ғоявий-эстетик жиҳатдан мустаҳкамланишда катта ёрдам берди.

Ўзбек адабиётида социалистик реализм методи шаклланиши ва ривожланишининг характерли томони шундаки, бу процесс совет халқи ҳаётининг тараққиёти ҳамда барча совет халқлари адабиётларининг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда, рус ва рус совет адабиётининг самарали таъсири остида рўй берди.

* * *

Адабиётшунос Г. Ломидзе айтганидек, рус адабиёти миллий адабиётнинг ўрнини эгалламайди, балки унинг янада кучлироқ ривожланиши учун ёрдам беради.

Рус реалистик традицияларини ҳар бир халқ ўзига хос, ўз миллий маданияти характерига қараб қабул қилади.

Рус адабиёти ўзининг халққа яқинлиги билан, юксак гуманистик ғояси билан, эзилган омма ҳаётини реал акс эттириши билан, революцион ҳаракатга яқин турганлиги билан, юксак реализми билан бошқа халқларнинг адабиётларидан ажралиб туради. Рус классик адабиётининг Лев Толстой, Пушкин, Блок, Горький, Маяковский каби гигантлари жаҳон адабиёти тарихида янги саҳифа очганлиги бежиз эмас.

Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши натижасида маҳаллий халқлар маданияти олдида кенг уфқлар очилди. Ўрта Осиё халқларининг маданияти ва адабиёти рус маданияти ва адабиётининг баракали таъсири остида кенг одимлар билан ривожлана бошлади. Адабиётда мавжуд бўлган танқидий традиция яна ҳам кучайди, реализм етакчи йўналишга айлана бошлади. Ўрта Осиё халқлари маданиятининг илғор вакиллари ҳар доим ҳам, ҳар қандай қаршиликларга қарамасдан рус маданиятининг оташин пропагандистлари бўлиб келдилар. Улар ўз маданият ва адабиётларининг келажагини, тақдирини рус маданияти билан боғладилар.

Ана шундай кишилардан бири улуғ ўзбек шоири Зокиржон Фурқат эди. Фурқат рус адабиёти ва санъатининг, рус фани ва техникасининг буюк тарғиботчисигина эмас, рус адабиёти илғор традицияларини ўз ижодига татбиқ этган шоир ҳам эди. Фурқатнинг маърифатпарварлик руҳидаги бутун ижоди рус адабиёти таъсирининг яққол намунасидир.

Халқ ҳаёти бадиий ижоднинг асоси бўлиб хизмат қилади. Шу маънода Фурқат ижоди ҳам замона билан, давр талаби билан маҳкам боғланган.

Фурқат ижодида рус классик реализмига хос бўлган баъзи бир элементларнинг ўзбек адабиётига кириб кела бошлаганлигини, халқчиллик ва синфийликни кўрамиз. Шоирнинг «Суворов» поэмаси фикримизнинг яққол далилидир. Шуниси характерлики, шоир бу асарида қаҳрамонликни рус халқи манфаатлари нуқтаи назаридан туриб тасвирлайди.

Рус маданияти ва адабиёти илғор ғояларидан чуқур таъсирланган шоирлардан бири улуғ демократ шоир Муҳаммад Аминхўжа ўғли Муқимий эди. Муқимий ижодида рус адабиёти таъсирининг бошқа бир томонини кўрамиз. У ҳам бўлса Муқимий ижодиётида ҳаётга ва жамиятга танқидий қарашнинг кучайганлигидан иборатдир. Муқимий ижодиётининг, айниқса ҳажвиётининг туб илдизларини ўша давр ўзбек халқи ҳаётининг ўзидан қидирмоқ лозим. Бирон-бир миллий адабиётга иккинчи бир миллий адабиётнинг таъсири ҳақида гапирганда бу ҳодисанинг ташқи, формал томонларини эмас, балки унинг ички моҳиятини назарда тутмоқ керак.

Рус адабиётининг Ўрта Осиё халқлари адабиётига таъсирини Аваз Ўтар ижодида ҳам кўрамиз. Аваз ижодининг муҳим хусусиятларидан бири унда танқидий йўналишнинг кучлилигидир. Аваз демократик маърифатпарварликдан революцион демократ шоир даражасига кўтарилган санъаткор; биз бу ўринда Авазнинг

поэтик ижодинигина эмас, унинг умуман адабий-ижтимоий фаолиятини, ҳукмрон тузумга муносабатини ҳам назарда тутмоқдамиз. Бу илғор рус ижтимоий фикрининг, давр революцион воқеаларининг, рус прогрессив адабиётининг баракали таъсирисиз рўёбга чиқиши мумкин эмас эди.

Рус адабиётининг бевосита таъсири остида шаклланган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижоди ўзбек адабиёти тарихида бир даврнинг якуни ва иккинчи даврнинг бошланиши билан характерланади. Ҳамза ўз ижодининг дастлабки маърифатпарварлик давридаёқ ўша вақт адабиётининг ривожланишидаги асосий омилларидан бири — прогрессив рус адабиётидан ўрганиш эканлигини кўра билди ҳамда шахсан рус адабиёти ва санъатини қунт билан ўргана бошлади. Ҳамза драматургияси ўзининг революционлиги, халқ ҳаётини реал акс эттиргани, даврнинг илғор гоялари билан сугорилганлиги билан ажралиб туради. Ҳамза реалистик ўзбек драматургиясига асос солди. Ҳамза ижоди билан ўзбек адабиётига социалистик реализмнинг кириб келишида ҳам рус адабиётининг таъсири муҳим роль ўйнади. Лекин шу билан бирга, социалистик реалист Ҳамза ижодининг асоси революцион, социалистик воқеликнинг ўзи эканлигини унутмаслик керак. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижоди шоир яшаган давр тўфонларида шаклланган, ўша даврни акс эттирувчи ижоддир.

Рус адабиёти, маданиятининг таъсирини фақат ўзбек халқи мисолидагина эмас, балки Шарқнинг бошқа халқлари маданияти ва адабиёти ривожида ҳам кўриш мумкин. Ўрта Осиё халқлари ижтимоий фикрининг тараққиётига улкан ҳисса қўшган Аҳмад Дониш, Иброй Олтинсарин, Чўқон Валихонов, Обойлар рус маданияти ва адабиётидан илҳомланганлар. Уларнинг дунёқараши рус ижтимоий фикрининг прогрессив гоялари таъсири остида шаклланган. Хусусан, Обой поэзияси рус классик поэзияси, айниқса Пушкиннинг ўлмас поэзияси катта таъсир кўрсатган.

Юқорида айтилган фикрларнинг ҳаммаси Кавказ халқлари адабиётига ҳам тегишлидир. Кавказ халқлари адабиётининг улкан вакиллари Мирза Фатали Охундов ва Собир, Илья Чавчавадзе, Ованес Туманян, Коста Хетагуров ижодлари бевосита рус адабиёти таъсирида ривожланди ва ўсди.

Рус адабиётининг таъсири, айниқса, Октябрь революцияси ва революциядан кейинги даврда жуда кучайиб кетди. Революция собиқ чор Россиясидаги халқлар учун рус адабиёти ва маданиятини ўрганиш йўлида кенг имкониятлар очиб берди. Рус адабиётининг таъсири миллий адабиётларининг гуркираб ривожланишидаги муҳим омилларидан бири бўлиб қолди.

Маълумки, социалистик реализм методи даставвал рус адабиётида янги давр адабиётининг улкан вакили Алексей Максимович Горький ижодида шаклланди. Шунинг учун социалистик реализм йўлига ўта бошлаган миллий адабиётларнинг ривожланишини янги рус адабиётининг, Горький ижодининг таъсирисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Миллий социалистик реализм адабиётларининг ҳаётий асоси янги социалистик воқеликнинг ўзи бўлса, ана шу воқеликни акс эттириш принциплари рус социалистик реализм адабиёти таъсирида шаклланди. Бу ҳодисани совет халқлари миллий адабиётларининг йирик вакиллари ҳам эътироф этадилар. Шу жиҳатдан ўзбек адабиётининг улкан вакили Ойбек прозасининг яратилишида Горький ижодининг таъсири характерлидир. Одатда Ойбек прозасига Горький ижодининг таъсири ҳақида гапирилганда «Қутлуғ қон» романидаги Йўлчи образининг «Она» романидаги Павел Власов образига ўхшашлиги, буржуа оиласидаги уч авлод тақдирининг биринчи бўлиб Горький томонидан «Артамоновлар иши» романида акс эттирилганлиги назарда тутилади. Лекин масала бунда эмас. Бир ёзувчига иккинчи бир ёзувчининг таъсири ҳақида гапирганда ташқи, формал ўхшашликлардан келиб чиқиш нотўғри. Ойбек Горькийдан ҳаётга муносабатда бўлиш йўлини, воқеликнинг бош тенденциясини пайқаб олиш йўлларини, асосий эътиборини ҳаётнинг ёрқин томонларига жалб этишни ўрганди.

Горький ижодининг бошқа ёзувчиларга таъсирини ана шу нуқтаи назардан қарамоқ лозим.

Миллий поэзияларнинг совет давридаги тараққиётини Маяковский ижодининг таъсирисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Совет поэзиясининг йирик вакиллари Самад Вургун, Ғафур Ғулом, Егише Чаренц, Георгий Леонидзе, Ҳамид Олимжон, Владимир Луговской, Николай Асеев, Мирзо Турсунзода, Павло Тичина, Эду-

ардас Межелайтис ва бошқаларнинг ижоди бевосита Маяковский таъсирида шаклланди ва ривож топди.

Совет миллий адабиётларининг барча йирик вакиллари ўз ижодларига рус классик ва рус совет адабиётининг баракали таъсир этганлигини жуда кўп ўринда қайд этиб ўтадилар. Бундай фикрларни Андрей Упит, Ойбек, Мухтор Авезов, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Павло Тичина, Берди Кербобоев, Самад Вурғун, Георгий Леонидзе кабиларда кўплаб учратиш мумкин.

Рус адабиётининг улкан таъсирини фақат совет ёзувчиларигина эмас, балки ҳозирги замон хорижий адабиётларининг йирик вакиллари ҳам эътироф этадилар. Жумладан, XX аср прозасининг улуғ вакили Эрнест Хемингуэй ўз ижодига рус адабиётининг таъсири ҳақида бир неча бор гапириб ўтади. Хемингуэй «Африканинг яшил тепаликлари» номли асарида Лев Толстой ва Тургеневни қайта-қайта эсга олади.

Ўзбек совет адабиёти шаклланишининг биринчи давридаёқ бизнинг адабиётимизга фақат рус адабиёти эмас, бошқа қардош халқлар адабиётлари ҳам самарали таъсир этди. Ўша даврда яратилган конкрет бадиий асарлар татар ёзувчилари Абдулла Тўқай, Ҳодй Тоқтош, Олимжон Иброҳимовларининг ёш ўзбек ёзувчилари ижодига катта таъсир кўрсатганидан далолат беради.

Лекин буларнинг ҳаммаси ўзбек совет адабиёти бошқа миллий адабиётларнинг таъсири натижаси экан деган хулосага олиб келмаслиги лозим. *Миллий адабиётларнинг ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитиши — табиий ҳодиса, адабиётлар тараққиётининг муҳим факторидир.* Адабиётларнинг ўзаро таъсири ҳар доим тараққиётга, янги сифат белгиларининг пайдо бўлишига, адабиётнинг янги чўққига кўтарилишига олиб келади.

«Совет миллий адабиётларининг ўзаро бир-бирини бойитиши уларда мавжуд нарсанинг янада ривожланиши ва мукаммаллашишинигина назарда тутмайди. Миллий традицияларнинг бойиши — ўзаро алоқаларнинг бир томони, бир қирраси, миллий адабиётларнинг бир-бирини бойитиши адабиётнинг янги томонлари, янги сифатлари юзага келиши, унинг бадиий базасининг бойиши демакдир»[1].

[1] Қаранг: «Социалистический реализм в литературах народов СССР». М., 1962, стр. 10.

Миллий адабиётларнинг ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитиши процессида янги бадиий формалар туғилади, янги традициялар вужудга келади; тараққиётга тўсқин бўлиб қолган баъзи миллий традициялардан воз кечилади.

Совет халқлари миллий адабиётларининг тобора кенгайиб бораётган қардошлик алоқалари, уларнинг ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитиши умумсовет адабиёти интернационал белгиларининг янада кучайишига ва яққолроқ намоён бўлишига олиб келади. Совет адабиётининг интернационал белгилари миллий адабиётларни камситмайди, уларнинг ривожига тўсқинлик қилмайди, балки келажак умуминсоний коммунистик жамият адабиётини яратиш каби олижаноб мақсадга хизмат этади.

Коммунистик жамиятни яратиш жараёнида миллий маданиятлар йўқолиб кетмайди, балки яна ҳам тезроқ, ҳар томонлама тараққий қилади. Коммунизм жамияти қуриш процесси турли миллатлар ва элатларнинг янада яқинлашишини, уларнинг бирлиги янада мустаҳкамланишини, миллий маданиятлар ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитиши янада ўсишини тақозо этади. Келажак коммунистик жамият маданияти миллий маданиятларда мавжуд барча энг яхши фазилатларни ўз ичига олади.

* * *

20-йиллар адабиётининг ўзига хос томонларидан бири ўзбек совет адабиётида бадиий ижодга хос барча жанрларнинг пайдо бўлиши, шу билан жанр камбағаллигига чек қўйилишидир. Адабиётимизда бу даврда барча ижод турлари — проза, поэзия, драматургия, болалар адабиёти ривожлана бошлади.

Ўзбек совет адабиётида социалистик реализм методининг шаклланиши адабиёт ғоявий-тематик диапазонининг кенгайиши билан бирга борди. Адабиёт янги ҳаётий темаларни кенг қамраб олишга, халқ характерини янада чуқурроқ идрок қилишга интилиши билан социалистик реализм методи ўзбек совет адабиётида мустаҳкамлана борди.

Социалистик реализмнинг ғалабаларидан бири —

замонавий тематика адабиётнинг асосий тематикасига айланганида кўринади. Бу эса адабиётнинг ҳаёт томонидан қўйилган проблемаларни ечишга интилиши, социалистик қурилишнинг улуғвор воқеаларини акс эттириши, янги инсон характерини ҳар томонлама ва чуқур тасвирлашга ҳаракати билан боғлиқ эди.

Буржуа лагеридаги ғоявий мухолифларимиз: социализм миллий адабиётлар тараққиётига тўсқинлик қилади, совет халқлари миллий маданиятлари йўқолиб бормоқда, деб исботлашга уринадилар. Бу, албатта, ажабланарли эмас.

Бундай танқидларнинг бош йўналиши миллий маданиятларга рус маданиятининг таъсирига қарши қаратилган. Рус адабиёти, санъатининг таъсирини Дж. Луцкий, Боймирза Ҳайит каби совет адабиётининг оппонентлари миллий маданиятларини «руслаштириш», маданиятдан миллий белгини «қувиб чиқариш» деб талқин қилишади. Дж. Луцкийнинг «Кўпмиллатли адабиёт ва унинг проблемалари» («Сервей» журналининг 1961 йил 36-сонида босилган) сарлавҳали мақоласида ёзишича, совет миллий адабиётларининг вакиллари асарларининг «рус материалидан тўқилган»лигини ўзлари ҳам иқрор эмиш. Боймирза Ҳайит ҳатто ундан ҳам ошиб тушади: унингча, миллий адабиётлар классикларининг асарларини, совет миллатларининг ёш авлоди бу асарларни рус тилидан ўқисин, деб мазкур тилга таржима қилишар эмиш. Нақадар беҳаёлик! Ахир миллий классиклар асарларининг рус тилида ва миллионлаб нусхаларда *нашр этилиши* бу улуғ санъаткорларнинг совет халқи, қолаверса рус халқи китобхонлари орасидаги оламшумул шуҳратидан далолат бермайдими? Бу совет халқлари классик адабиётларининг архив материали бўлиб қолмасдан, ҳозирги кунда ҳам халққа —бутун совет халқига хизмат қилаётганини кўрсатмайдими! Зотан бу ҳақиқатни жаноб Б. Ҳайитнинг ўзи ҳам биларди, лекин начора, машҳур буржуа «демократияси» уни оқни қора дейишга, ҳақиқатдан кўз юмишга мажбур қилган.

Б. Ҳайит ўз «асар»ларидан бирида ўзбек адабиёти умуман мавжуд эмас, бундай адабиёт йўқ, деб исботлашга уринади. Бунинг тескарисини исботлашнинг ҳожати ҳам йўқ. Ўзбек адабиёти — бу қатор чет тилларга таржима қилинган Ҳамза, А. Қодирий, Ойбек, Ҳамид

Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Шароф Рашидов, Асқад Мухтор асарларидир, бу асарлар «йўқ» деган билан йўқолиб кетавермайди.

Совет Иттифоқида «адабий ҳаёт» ҳозир фожиали аҳволда бўлиши керак,— деб ўқувчисининг кўзини бўяшга уринади бечора «олим»,— зотан совет раҳбарлари ёзувчиларни коммунизмнинг идеологик тенденциялари томон оғдирмоқчи бўляптилар... Ўзбек адабиёти (қаранг, ажаб: «мавжуд эмас» ўзбек адабиёти бор бўлиб қолди) ўзининг бадиийлигини йўқотиш олдида турибди».

Совет адабиёти ўзининг юксак халқчиллиги ва коммунистик партиявийлиги билан фарқланади. Жаноб Луцкийлар билиб қўйсинки, совет ёзувчисини кимдир «коммунизмнинг идеологик тенденциялари томон» ағдариши шарт эмас; машҳур адиб М. Шолохов айтганидек, совет ёзувчиси қалб амри билан ёзади, унинг қалби эса халққа ва партияга бағишлангандир. «Коммунизм идеологик тенденциялари» совет адабиётининг қон-қонига сингиб кетган.

Худди шунга ўхшаган гапларни англиялик Ўрта Осиё адабиётлари бўйича «мутахассис» Г. Моррис мақолаларида ҳам учратамиз. У ҳам Ўрта Осиё адабиётлари рус адабиётига бўйсундирилган, бу «адабиётлар сунъий равишда яратилган нарсалардир», дейди. Чунки, унинг фикрича, реалистик традиция Ўрта Осиё адабиётлари учун хос эмас, уларнинг традицияси — хабдабадорлик ва риторика. Шунинг учун, дейди у, «Ўрта Осиёда совет адабиётининг келажаги қоронғу».

Шунга ўхшаган «фикрлар» совет миллий маданиятлари бўйича гарблик «мутахассис»ларнинг ижодларида турли вариантларда кўплаб учрайди. Бунинг битта сабаби бор: улар совет халқлари иқтисод ва маданият соҳаларида эришган ажойиб ютуқларни кўришга кўзлари йўқ. Чунки бу ютуқлар колониализм занжирларидан қутулган халқлар учун энг яхши ибрат ва сабоқдир. Бу ютуқлар мустамлакачиликка ва империализмга зарба берувчи энг кучли қуроллардан бўлиб қолди.